

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“O‘zenergositish” АЖ
Ягона акциядорининг
2024 йил 29 ноябрдаги
9-сонли қарори билан**

**“O‘ZENERGOSOTISH” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ
КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
II. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.....	3
III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ МЕЗОНЛАРИ	4
IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ МАНБАЛАРИ	4
V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ.....	4
VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	6

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “О‘zenergositish” АЖ Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда - Низом) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Меҳнат Кодекслари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари фаолиятининг операцион самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 31 июлдаги 464-сон Қарори ва “О‘zenergositish” АЖ (кейинги ўринларда - Жамият) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.

1.2. Ушбу Низом Жамиятнинг Ягона акциядорининг қарори билан тасдиқланади ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Ягона акциядорининг қарорлари асосида амалга оширилади.

II. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

2. Ушбу қоидада қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

Кузатув кенгаши – Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи орган ҳисобланади, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ва Жамият Уставида акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш бундан мустасно.

Кузатув кенгашининг аъзолари - “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда Акциядорларнинг умумий йиғилиши (ягона акциядор) томонидан уч йил муддатга сайланадиган шахслар.

Кузатув кенгашига давлат улуши бўйича тайинланган (сайланган) аъзолар - “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда Жамият устав капиталидаги давлат улуши бўйича сайланган Ўзбекистон Республикасининг давлат хизматчилари ва давлат иштирокидаги корхоналар вакиллари бўлган шахс.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси - “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 761-моддасида назарда тутилган тартиб ва қоидалар асосида Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган (тайинланган) шахслар.

Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ – Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб тўрган давр учун ва (ёки) Кузатув

кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлари ўрнини қоплаш учун тўланадиган тўловлар.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори - Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори.

III. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ МЕЗОНЛАРИ

3.1. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш мезонлари куйидагилардан иборат:

- Кузатув кенгаши мажлисларида шахсан иштирок этиши;
- йил охирида мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра;
- Жамият йиллик Бизнес режаси асосий кўрсаткичларининг бажарилиши.

3.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда Жамият Ягона акциядорининг қарори билан кўшимча мезонлар ҳам белгиланиши мумкин.

IV. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ МАНБААЛАРИ

4.1. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш манбаалари Жамиятнинг маблағлари ҳисобланади.

4.2. Мазкур Низомга мувофиқ Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот тўғрисидаги маълумотлар амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан белгиланган тартибда ошкор қилинади.

V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ

5.1. Мазкур Низомда белгиланган ҳақ тўлаш миқдори Кузатув кенгашининг айрим аъзоларига нисбатан куйидаги асослар бўйича камайтирилиши ёки тўланмаслиги мумкин:

- чорак давомида ўтказилган Кузатув кенгаши мажлисларининг 50 фоизидан кўпда иштирок этиб, лекин барчасида (100 фоиз) иштирок этмаган бўлса, мукофот миқдори 25 фоизга камайтирилади;
- чорак давомида ўтказилган Кузатув кенгаши мажлисларининг 50 фоизидан кўпроғида қатнашмаган бўлса, мукофот тўланмайди;

Шу билан бирга, Кузатув кенгашининг мажлисларида сиртдан мажлислар ўқизиш йўли билан, шунингдек видеоконференс алоқа ва телефон алоқаси орқали ўтказилиши мумкин.

5.2. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ва Кузатув кенгашининг янги таркиби сайланган тақдирда ҳар бир Кузатув кенгаши аъзосига ўз вазифасини бажарган муддат учун мутаносиб равишда, уларнинг Кузатув кенгаши мажлисларидаги иштирокидан келиб чиққан ҳолда ҳақ тўланади.

5.3. Мазкур Низомда белгиланган мукофот тўлаш миқдори Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашишига олиб келган бошқа сабабларга кўра ёки Кузатув кенгашининг айрим аъзоларининг айби билан қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари вужудга келса ҳам Жамият Ягона акциядорининг қарори билан камайтирилиши (шу жумладан берилмаслиги ҳам) мумкин.

5.4. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ҳар молиявий чорак тугагандан сўнг кейинги ойнинг 30 кунигача;
- молиявий йил якунига кўра мустақил ташкилот томонидан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қониқарли деб тан олинганда ва Жамият Бизнес режасининг асосий кўрсаткичлари бажарилганда, Жамият Ягона акциядори томонидан Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи тасдиқланганидан кейин 30 кун ичида тўланади.

5.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда солиқ солишни ҳисобга олган ҳолда тегишли маблағни уларнинг шахсий ҳисобварақларига ёки уларга хизмат кўрсатувчи банкларда очилган пластик карточкаларига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

5.6. Кузатув кенгаши аъзоларининг реквизитлари уларнинг аризасига кўра белгиланади.

5.7. Жамиятнинг тегишли таркибий бўлинмаси Кузатув кенгаши аъзоларининг мажлисларида иштирок этиши ҳисобини юритади ва Жамиятнинг бухгалтерия бўлимига Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш учун маълумотларни тақдим этади.

5.8. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори улар ва Жамият ўртасида тузиладган шартномада белгиланади.

Бунда, Кузатув кенгашининг ҳар бир мустақил аъзосига тўланадиган ҳақнинг йилик энг кўп миқдори 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги лозим.

Шу билан бирга, Жамият Ягона акциядорининг қарори билан Кузатув кенгашининг мустақил аъзоларига :

- Кузатув кенгаши раиси сифатида амалга оширадиган фаолияти учун у билан тузилган шартномада белгиланган йиллик ҳақ миқдорининг 20 фоизидан кўп булмаган миқдорда;

- Кузатув кенгаши қўмитаси раиси ёки аъзоси сифатида амалга оширадиган фаолияти учун у билан тузилган шартномада белгиланган йиллик ҳақ миқдорининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қўшимча мукофот тўланиши мумкин.

5.9. Кузатув кенгашининг давлат улуши бўйича тайинланган (сайланган) аъзоларига (Ўзбекистон Республикасининг давлат хизматчилари ва давлат иштирокидаги корхоналар вакиллари бўлган шахсларга) Кузатув

кенгашларидаги фаоляти учун ҳақ тўланмайди (Кузатув кенгашининг мустақил аъзолари бундан мустасно).

5.10. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият Кузатув кенгаши раиси ёки Жамиятнинг ижро органи раҳбари номига мукофот олишни рад этиш тўғрисида ариза юбориш орқали ушбу Низомда назарда тутилган мукофотни тўлиқ ёки қисман олишдан бош тортиши мумкин.

5.11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда солиққа тортилади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Низом Жамият Ягона акциядори тасдиқлаган кундан бошлаб кучга киради ва бекор қилинмагунча амал қилади. Унда кунда тутилмаган қоидалар амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6.2. Низомнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва (ёки) Жамият Уставига зид бўлса, улар ўз кучини йўқотади ва мазкур ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва (ёки) Жамият Уставига амал қилинади.